

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ - АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ ВА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ВОСИТА

И. Р. Рахимова

Хоразм вилояти, Урганч тумани ҳокими маслаҳатчиси, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори
e-mail: intizor_78@inbox.uz

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бошланғич ва юқори синфларда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-методик асосларига эътибор қаратилган. Ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар интеллектини ривожлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: муаммо, муаммоли таълим, ўқиш дарслари, ижодий фикрлаш.

PROBLEMATIC EDUCATION PROVIDES PUPIL'S ACTIVITY AND EDUCATIONAL EFFICIENCY IN LITERARY EDUCATION

ABSTRACT

This article focuses on the theoretical and methodological framework of using problem-based learning in primary school. The lessons focus on the development of the intellect of junior high school students using problem-based learning.

Keywords: problem, problem education, reading lessons, creative thinking.

КИРИШ

Бугунги таълимнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг инсонийлиги ва инсонпарварлигидадир. Таълим жараёнининг инсонга йўналтирилганлиги, бу жараёнда таълим олаётган ҳар бир ўқувчининг интеллектуал ва жисмоний имониятлари, руҳий ҳолати ҳамда ҳар томонлама ривожланишининг ҳисобга олиниши бу тамойилнинг асосидир. Мазкур тамойил таълим характерининг ўқувчилар билиш фаолиятидаги шахсий интеллектуал имкониятларига асосланган ҳолда ўзгартирилишини тақозо этади. Бу жараённинг зарурий шартларидан бири ўқитишнинг янги технологиялари ва таълимнинг новаторлик методларидан фойдаланишдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Адабий таълимда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланилган дарсларда ақлнинг мослашувчанлиги, тафаккурнинг чуқурлиги, мустақиллиги ва мантикийлиги таъминланишига, ижодий тасаввурнинг ривожланишига, мустақил фаолиятга ва айна замонда, ҳар қандай ҳолатга танқидий ёндашув кўникмаларини шакллантиришга ҳам эришилади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар билан ишлаганда муаммоли таълим технологиясидан тизимли равишда фойдаланиш уларда фикрлаш, яъни ўз тафаккур фаолиятини бошқариш, мақсадни белгилаш ва унга эришиш йўллари аниқлаш маданиятининг дастлабки белгиларини ҳам шакллантиради. Бундан ташқари, Н.Ф. Тализинанинг таъкидлашича муаммоли ўқитиш кечими: «муаммони кўриш, масалалар кўйиш, ўз фаразларини илгари суриш, тушунчаларга аниқликлар киритиш, кузатиш, хулосалар чиқариш, таққослаш ва ўқув материални тартибга солиш, матн билан мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Буларнинг барчаси, ўз навбатида билимларни мустақил эгаллаш ва бу жараёнда муваффақиятларга эришиш асосидир»¹.

НАТИЖАЛАР

Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълим элементларидан фойдаланишнинг ўқувчи интеллектини кўтариш, ижодий қобилиятини ошириш, унинг ҳар томонлама, айна замонда, гормонал ривожланишини таъминлаш, ҳар хил ижодий фаолият турларидан фойдаланиш, билимларни янги вазиятларда қўллаш ва ўқув муаммоларини ҳал этиш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ижтимоий, ахлоқий эҳтиёжларини шакллантириш каби хусусиятларини ҳам таъкидлаб кўрсатиш жоиздир.

Бошланғич синфларда муаммоли таълимдан фойдаланилганда фаразларни шакллантириш жараёнида ўқитувчи: қўйилган муаммоли масалани ўқувчилар ўзлаштиришларига эришиш мақсадида уни аниқ шакллантириши; ўқувчиларга муаммонинг ечими, таҳлили борасида кўмаклашиши, яъни нима берилгани, нималарга эришиш лозимлиги, қандай фаолият турларидан фойдаланиш борасида ёрдамлашиб юбориши; ўқувчилар фаолиятини ташкил

¹Талызина Н. Ф. Формирование познавательной деятельности младших школьников. Книга для учителя. — Москва: Просвещение, 1997. — 75-с.

этишда йўналиш бериб юбориши; ўқувчилардан батафсил асос, таклиф ва фаразлар исботини талаб қилиши мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларини ташкил этишда муаммоли таълимдан фойдаланишда ўқитувчи ҳар хил усул ва методлардан, яъни назарий ва амалий характердаги муаммоли топшириқлар ҳамда саволлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Методик адабиётларда муаммоли вазиятларда ишлаш босқичида ўқувчиларнинг билиш фаолияти тизимини инобатга олган ҳолда қуйидаги қатъий режа асосида иш олиб бориш тавсия этилади:

1. Аввалги тажрибаларни фаоллаштириш.
2. Муаммо ечимининг маълум йўллари кидириш.
3. Улардан асосли равишда воз кечиш.
4. Муаммо ечимининг фаразларини шакллантириш.
5. Фаразларнинг исботи ва текширилиши.
6. Маълум хулосага келиш².

Қуйи синфларнинг ўқиш дарсларида ҳам муаммонинг ечими билан боғлиқ барча ишлар ўқувчиларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, айтилган замонда, ўқитувчининг кўмаги ҳам рад этилмайди. Ўқитувчининг бу жараёндаги ёрдами минимал даражада ва ўринли бўлиши тақозо этилади. Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида қўлланиладиган муаммоли таълим ижобий самара бериши учун маълум тизимга солинмаган муаммоли вазифалар ўқувчиларнинг абстракт ва мантиқий тафаккурини шакллантиришга қодир эмаслиги, мустақил ижодий, тадқиқотчилик кўникмалари шаклланишига акс таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик лозим.

МУҲОКАМА

Муаммоли таълимнинг асосий талабларидан бири – ўқитувчи фаолиятининг тизимлилиги ва изчиллигидир. Муаммоли вазиятларнинг

2 Маранцман В. Г., Чирковская Т. В. Проблемное изучение литературного произведения в школе. – Москва: Просвещение, 1997.; Махмутов М. И. Организация проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1997.; Мельникова Е. Л. Проблемный урок в начальной школе или как открывать знания вместе с детьми //Начальная школа. –1999. – №5. – С. 31–37.; Никандров Н. Д. Проблемное обучение. //Воспитание школьников. –1983. – №12. – С. 13–14.; Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1998.; Прусова В. И. Использование методов и приёмов проблемного обучения на уроках русского языка и литературы. – http://www.dpo-smolensk.ru/biblioteka/inform_obespech/kaf-guman-cikl/3-1.pdf.; Рамзаева Т. Г. Урок чтения в современной школе. <https://lektsii.com/2-2042.html>.

тизимлилиги билан боғлиқ ишларни амалга оширишдан олдин ўқитувчи қуйидаги методик талаблар:

- 1) бошланғич синфлар ўқувчилари ўзлаштиришларига мос жиҳатлар қамраб олиниши;
- 2) муаммоли таълим технологиясида фойдаланиладиган анъанавий ва инновацион методларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишга мослиги;
- 3) ўқувчиларда шакллантирилиши кўзда тутилган мустақил-ижодий ва тадқиқий-ижодий тафаккур белгиларининг шаклланиши;
- 4) муаммоли вазиятларнинг ҳар хил қийинликдаги, кичик ўқувчилар учун оптимал вариантларини қамраб олиши;
- 5) ўқитиш жараёнида муаммоли вазиятларнинг мазмунан қийинлик даражасига, тизимига, изчиллигига қўйиладиган талабларни инобатга олиши мақсадга мувофиқдир.

Юқори синфлар адабий таълимини ташкил қилишда таълимнинг узвийлик ва изчиллик тамойилларига таянган ҳолда ўқув топшириқлари ва муаммоли саволларнинг мураккаблик даражасини бироз ошириш мақсадга мувофиқдир. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган Адабиёт³ дарслигидан ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири, маърифатпарвар А.Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асаридан олинган “Ватанни суймак” матни ҳамда “Ватан” шеърлари ўрин олган. Тақвим-мавзуй режада⁴ ушбу мавзунини ўрганиш учун 1 соат ажратилган бўлиб, III чоракда ўтиш учун 50-дарс машғулоти мавзуси сифатида киритилган.

Маълумки, Ватан туйғуси инсониятнинг энг муқаддас ва энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш бўлмайди, унинг дарди билан ёнмоқ, оғриқли жойига малҳам бўлмоқ, ўз иқболини Ватан бахти ила боғламоқ лозим. Авлоний Ватан ва уни севмоқликни ўқувчига шундай тушунтиради: «Ҳар бир кишининг туғулиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсгон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси — туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўллларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва

³ <https://api.kitob.itsm.uz/data/books/files/741-1e35020a.pdf>

⁴ <https://www.kitob.uz/book/1810/reader>

музлик ерларини бошқа ерлардан зиёд суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эди».

Муаллим асар матнини ҳамда шеърни ўзи ўқиб бериши шарт ва ўқиш жараёнида Ватан туйғуси ифодаланган ўринларни ўзига ишонч, қатъият, мамнунлик, ифтихор оҳангида, шеърнинг кейинги қаторларини ачиниш, исёнкорлик акс эттирилган оҳангда ифодалай олиши, муаллифнинг кечинмалари ва ҳолатни тўлиқ ифодалай олиши лозим.

Зеро Ватан туйғусини сунъий равишда яратиб бўлмайди.

Матн ўқиб бўлингач, ўқитувчи бир оз тин олиши, ўқувчилардаги руҳий ҳолат ва ўзгаришни кузатиши лозим. Шундан сўнг асар ўқилиши жараёнида ўқувчилар кўнглида пайдо бўлган турли ҳисларни уларнинг тилига олиб чиқиш учун бир қатор саволларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

-Ватан туйғуси фақат инсонларга хос туйғуми?

-Ватан соғинчини ҳис қилиш учун инсон ватанидан йироқда бўлиши керакми?

-Шеърдаги “Онамизсан! Бизни(нг) мушфиқ онамизсан!

Жавлон уруб яшайдургон хонамизсан!” - мисраларига эътибор қаратинг. Нима сабабдан Ватанга –“онамизсан” дейилмоқда? Ватан ва Она тушунчалари ўртасида қандай боғлиқлик бор, деб ўйлайсиз?

- “Сени сотмоқ мумкинмидур, ўзинг ўйла,

Тилинг бўлса, ҳасратларинг тузик сўйла!” - мисраларига эътибор беринг. Ватанни сотиш мумкин бўлса, унинг баҳосини нимага тенглаштира олган бўлардингиз. Шу пайтгача “ватанини сотганлар” ҳақида эшитганмисиз?

Шу зайлда берилган муаммоли саволлар ўқувчида Ватан муқаддас даргоҳ эканлиги, Ватанни ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, туғилган гўшасининг равнақи ва фаравонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир юртдошимиз олдидаги бурч эканлигини теранроқ англашади. Ёш авлод қалбидаги ватанпарварлик ва фуқаролик тарбияларига сайқал берилади.

ХУЛОСА

Шаклланиб келаётган шахсни мустақил, мантиқий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш кўникмаларини таркиб топтиришда шу каби муаммоли савол ва топшириқларнинг қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай саволлар ўқув материали ўзлаштирилганлигининг исботини таъминлайди, уни мустаҳкам қилади, билимларни қатъийлаштиради. Ўқувчида

ўқишга ижобий ҳиссий муносабат уйғотади, билим олишга ички эҳтиёжни шакллантиради. Бундай таълимда бугунги тарбияшуносликнинг асосий вазифаси – ўқувчида шахслик сифатлар шаклланиши, ривожланиши муваффақиятли амалга ошади.

REFERENCES

1. Botirova, S. I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, (5), 26-28.
2. Ботирова, Ш. И. (2020). Бадиий психологизм критерийлари ва замонавий ўзбек романчилиги. *Tafakkur ziyosi*, 2(2), 146-148.
3. Botirova, S. (2021). INTEGRATION AND CLUSTER RELATIONS IN LITERARY EDUCATION. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2021(02), 23-35.
4. Ботирова, Ш. И. (2021). МОДЕРН ВА МОДЕРНИЗМ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР. *Academic research in educational sciences*, 2(3).
5. Makhmudov, K. S. (2021). Using writing speech in the process of teaching English grammar. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (98), 709-712.
6. Makhmudov, K. (2021). LEARNING A FOREIGN LANGUAGE AND THE LANGUAGE TOURISM EXPERIENCE. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(7).
7. Makhmudov, K. (2021). LEARNING A TARGET LANGUAGE WITHIN ITS CULTURE AS AN EFFECTIVE METHOD. *Pedagogical Education Cluster: Problems and Solutions*, 1, 620-623.
8. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A strategy of action as a complex system. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 90(10), 448-452.
9. KUDRATULLAYEVICH, K. R., ABDUVALIYEVICH, M. T., & KARAMATILLOEVICH, A. L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. *JournalNX*, 6(07), 130-133.
10. Ахмедов, Б. А., Шайхисламов, Н., Мадалимов, Т., & Махмудов, Қ. (2021). Smart технологияси ва ундан таълимда тизимида кластерли фойдаланиш имкониятлари. *Scientific progress*, 1(3).
11. Utamuradov, A., Khojiev, T., Isanova, G., & Khaytmetov, R. (2020). The Prospects of a New Template of the Modernization Uzbekistan. *Jour of of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, 2(12), 2670-2676.